

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 98-ҳадис

98 - وَعَنْ أَبِي مُحَمَّدٍ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: حَرَجَ عَلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَدْ عَلِمْنَا كَيْفَ نُسَلِّمُ عَلَيْكَ فَكَيْفَ نُصَلِّي عَلَيْكَ؟ قَالَ: «فُوْلُوا: اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ حَمِيدٌ. اللَّهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ حَمِيدٌ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Мұхаммад Каъб ибн Ужра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бизнинг хузуримизга Набий соллаллоху алайҳи васаллам чиққан эдилар, биз у Зотга: «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга қай тарзда салом йўллашни билдиқ. Лекин, қандай қилиб сизга салавот айтамиз?» десак, у Зот: **«Аллоҳумма солли ъала Мұхаммадин ва ъала оли Мұхаммадин кама Соллайта ъала оли Иброҳима иннака ҳамидум мажид. Аллоҳумма борик ъала Мұхаммадив ва ъала оли Мұхаммадин кама барокта ъала оли Иброҳима иннака Ҳамидум мажид»**, деб айтинглар», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Амалнинг қабул бўлиш шартлари ихлос ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишdir. Яъни, банда шариатдаги нарсаларга амал қилган ҳолида Роббисига ихлос билан амал қиласди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларга қандай салавот айтишни ўргатмоқдалар. Саҳобалар бундан аввал қандай салом айтишни ўрганишган эди. Салавотни қандай айтишни билишмагани учун уларга юқоридаги салавотни ўргатмоқдалар.

Ушбу салавот кўринишида ҳеч қандай зиёдалик, нуқсон ва баъзиларга ўхшаб ғулувга кетиш йўқдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда: "(Эй Мұхаммад алайҳиссалом), айтинг: "Агар сизлар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. (Шунда) Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласди. Аллоҳ (гуноҳларни) Мағфират қилгувчи, меҳрибондир" (Оли имрон сураси, 31-оят).

**Ҳадисдан ўргангандаримиз**

1. Мусулмон киши амаллари мақбул бўлишини истаб илм аҳлиларидан сўрайди.
2. Мусулмон киши тавҳиднинг асли Иброҳим алайҳиссалом қўлларида юзага келганини эслайди.
3. Мусулмон киши Пайғамбар алайҳиссаломга айтиладиган саҳиҳ салавотни ёдлаб олади.
4. Мусулмон киши Пайғамбар алайҳиссаломнинг оиласарини севади ва улар ҳаққига дуо қилади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

